

Сўзга чиқди сўзамол тўти,
Булбул бўлди, сайради, чунон,
Аммо исми ҳамон Тўтихон.

Бунда тўти ва булбул поэтик образлари ҳам аслида инсон тийнати очиб беришга қаратилган. Чунки тўти бийрон, булбул эса куйчи. Ҳеч қачон тўти булбул бўла олмайди.

Дўстни фақат ўзинг топасан,
Душман эса ўзи келади.

Икковисиз яшаб ҳам бўлмас [4].

Юқоридаги учлик умуминсоний мазмунга эга. Зеро, дўстни инсоннинг ўзи топади, душман эса ногаҳонда пайдо бўлади. Биз душманимизга қараб ўзимизни тафтиш қиламиз. Яшаб турган ҳаётимиз яхшилик ва ёмонлик кураши асосида қурилган экан, ҳамини яхшиликнинг устун бўлиши учун ҳаракат қиламиз.

Бу дарёда ҳурлар ҳам,
Итлар ҳам чўмилаверади.
Шундай буюк дарёдир бу Ишқ [4].

Бинобарин, ишқ талқинида шоирларнинг ташбеҳлари бисёр. Шоира уларни тақдор-ламасликка интилади. Ижодкор Ишқни буюк дарёга қиёслайди. Дарёда эса ҳурлар ҳам, итлар ҳам чўмилади. Шоира талқинчи, “Ишқ олдида шоҳ ва гадо тенг”дир.

Хулоса. Таҳлил этганимиз учликлар мазмундорлиги, ҳаётга ҳамроҳлиги, ҳикматомуз моҳиятга эгалиги ва ихчамлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Бу Эшқобил Шукур ва Фарида Афрўз ижодий изланишлари шеърятимизнинг жаҳон адабиёти билан бўйлашиши йўлидаги эзгу ҳаракатлар эканлигини намоён этиб туради.

АДАБИЁТЛАР

1. **Улуғов А.** Қалб қандили. – Тошкент: Akademnashr, 2013. – 286 б.

2. **Шукур Э.** Ҳамал айвони. – Тошкент: Шарқ, 2002. – 318 б.

3. **Дил афрўз шоира.** Адабиётшунос Бахтиёр Назаров билан файласуф Убайдулла Розуқуловнинг шоир Фарида Афрўз ижоди ҳақида суҳбати. Шарқ юлдузи, 2017, ноябрь.

4. WWW. ziyo.uz.com.

УДК: 398.83: 392.51(575.1)

ОВУТМАЧОҚЛАРНИНГ НАМАНГАНЧА ЛОКАЛ ВАРИАНТЛАРИНИНГ СПЕЦИФИКАСИ ВА ПОЭТИКАСИ

СПЕЦИФИКА И ПОЭТИКА НАМАНГАНСКОГО ДЕТСКОГО ФОЛЬКЛОРА

THE SPECIFICS AND POETICS OF LOCAL NAMANGAN VERSIONS OF FOLKLORE FOR CHILDREN

Мирзаева Салима Раимжоновна

АДУ ўзбек тили ва адабиёти кафедраси профессори, ф.ф.д.

Турғунов Шерали Долихонович

АДУ мустақил тадқиқотчиси

Таянч сўзлар: фольклор, болалар фольклори, жанр, оутмачоқ, локал, вариант, поэтика.

Ключевые слова: фольклор, детский фольклор, жанр, потешки, локал, вариант, поэтика.

Key words: folklore, children folklore, genre, consoling poems (ovutmachog), local, version, poetics.

Ушбу мақолада болалар фольклорида алоҳида жанр сифатида тан олинган оутмачоқларнинг наманганча локал вариантлари аниқланиб, уларга хос специфик ва поэтик белгилар хусусида фикр юритилган.

В данной статье рассмотрены специфические особенности потешек, как одного из самостоятельных жанров наманганского детского фольклора.

The Namangan local versions of consoling poems (Ovutmachogs), recognized as a separate genre in children folklore, are defined and their specific poetic peculiarities are considered in the article.

Кириш. Дунё халқлари фольклорида болалар томонидан яратилган ёхуд улар учун катталар томонидан ижод қилинган каттаю кичик, турли жанрдаги асарлар алоҳида ўринга эга. Уларни ўрганишга қизиқиш эса кундан-кунга ортиб бормоқда. Зеро, инсон ўз келажагини кафолатлаши учун ёш авлодни етук инсон қилиб тарбиялаши лозим. Бунга эса инсоният қадимдан айрича эътибор қаратиб келган. Тарбиявий ғоялар болалар фольклорида янада ёрқин акс этган. Шунинг учун уларни кенг кўламда пухта ўрганиш лозим. Болалар фольклорини ўрганиш, аввало, болалар ҳаётини, турмуш тарзини, бугуни ва келажагини, ўй-кечинмалари ҳамда руҳиятини, орзу-интилишларини, қизиқишларини ўрганиш демакдир.

Ҳозирги замон жаҳон фольклоршунослигида ҳар бир халқнинг миллий ўзлигини англатадиган болалар фольклори ва бу фольклор намуналарининг катталар ва болалар томонидан яратилиш жараёни, маънавий-руҳий эҳтиёжи, жанрлар таркибининг ўзига хос жиҳатлари, тарихий-генетик асослари, мавсумий-маросим кўшиқлари ва уларнинг структурал-семантик хусусиятлари, поэтикаси, постфольклор тарзида яшаши тадқиқ этилиши лозим бўлган долзарб илмий йўналишлардан бирига айланди.

Ўзбек болалар фольклорини регионал ўрганишда профессор О. Сафаров, С. Авезов, Н. Сафароваларнинг Бухоро вилояти мисолида олиб борган илмий изланишлари таҳсинга лойиқ. Бундан ташқари, Н.А. Баскаков, С. Рўзимбоев, Т. Қиличев, Н. Қурбонбоева, Ҳ. Рўзиметовларнинг Хоразм болалар фольклорига бағишланган тадқиқотлари ҳам диққатга моликдир.

Умуман айтганда, ўзбек фольклоршунослигида болалар фольклорининг ўзига хос хусусиятлари, жанрлар таркибининг таснифи, тарихий асослари ва поэтикаси масалалари Ғ. Жаҳонгиров, О. Сафаров, Н. Қурбонова, Ш. Галиев, С. Авезов, Ҳ. Рўзимбоев, Н. Сафарова, каби олимларнинг илмий асарларида маълум даражада тадқиқ этилган [1].

Асосий қисм. Наманганда истиқомат қилувчи аҳолининг болалар фольклори ҳозирга қадар филологик жиҳатдан махсус илмий тадқиқот объекти бўлган эмас. Шунинг учун ҳам воҳа аҳолисининг болалар фольклорини яхлит тизим сифатида ўрганиш ҳозирги замон ўзбек фольклоршунослигида фольклор анъаналарининг юртимизда сақланиш ва ривожланиш ҳолатини аниқлаш учун жуда муҳимдир.

Халқимиз қадим-қадимдан бадиий сўзнинг ёш авлод тарбиясидаги кучи ва жозибасига ишониб, уни амалда қўллаб келган. Чунки халқ оғзаки ижоди намуналари болаларни ақлий ва жисмоний жиҳатдан чиниқтириб, уларнинг қалбини эзгу ҳислар билан тўлдиришда ижобий роль ўйнаган. Зеро, халқ оғзаки ижоди миллатнинг ҳаёт ҳақидаги, ўтмиш ва келажак ҳақидаги ўй-хаёллари, орзу-интилишларини ўзида бадиий акс эттирган ёрқин кўзгудир.

Болаларни овутиш, эркалаш, машғул қилиш учун яратилган хилма-хил жанрдаги оғзаки ижод намуналаридан таркиб топган болалар фольклори ёш авлод учун илк ҳаёт дарслиги, маънавий бойликларнинг битмас-туганмас хазиналаридир.

Наманган болалар фольклори жанрлар тизимида оутмачоқларнинг ўз мустақил ўрни бор. Йиғлаб турган болани овутиш мақсадида яратилган ва ижро қилиниб келинаётган бу жанр намуналари таркибида “йиғлама”, “йиғламагин” сингари мурожаат ва таъкидлар борлиги жиҳатидан эркаламалардан фарқланади. Уларда ҳам худди эркаламалардаги сингари боланинг таъриф-тавсифига, сифатларига алоҳида урғу қаратилган бўлади. Масалан:

Қўзлари мунчоғим,
Ўзимми овунчоғим.
Бамисли қўғирчоғим,
Йиғламагин, тойчоғим [2].

Оутмачоқ таркибидаги “тойчоғим” сўзига қараб, унинг ўғил болага айтилаётгани аниқлашмоқда. Навбатдаги оутмачоқлар таркибида қўлланган “полвонларнинг сараси”, “йигитларнинг марди”, “ўғлонларнинг ўғлони” бирикмалари ҳам унинг ўғил болага қаратилаётганини фарқлашга хизмат қилади:

Ййи, ийи, мани асалим,
Ким хафа қилди?
Ким: “Айя”, – деди, –

Полвонларнинг сарасига,
Йигитларнинг мардига!
Қани, қани?
Нима бўлди? [3]

Овутмачоқда йиғи сабабини суриштириб билишга, айбдорни аниқлаб, уни жазолашга интилиш мотиви етакчилик қилади. Шу маънода унда “Ким хафа қилди?”, “Ким “Айя” деди”, “Қани, қани, нима бўлди?”, “Ким урди?”, “Шугинага ким лаб бурди?” ва ҳоказо сингари сўроқ гаплар алоҳида ўрин тутати. Болалар тилида “айя” сўзи “ёмон” тушунчасини англатиб келади.

Полвонимни ким йиғлатди?
Арслонимни ким йиғлатди?
Тутиб олсак, урамиз,
Мазза қилиб куламиз [4].

Катталар кўпинча йиғлаб турган болани овутишда ваъда бериш усулидан фойдаланишади. Худди шунингдек, юқоридаги овутмачоқда боланинг йиғисига сабабчи бўлган айбдорни аниқлаб, уни жазолашга ваъда қилинмоқда. Унда йиғига кулги зид қўйилиб, тазод яратилмоқда.

Шуни ҳам айтиш керакки, эркалама ва овутмачоқларнинг баъзан жанрий кўчиш ҳолати кузатилади. Аниқроғи, айрим пайтларда ижрочининг ўзи билган эркалама матнига овутмачоққа хос “йиғлама”, “йиғламагин” каби мурожаатларни қўшиб куйлагани натижасида эркаламанинг овутмачоққа кўчгани сезилади. Масалан:

Ўғлонларнинг ўғлони,
Полвонларнинг полвони,
Болагинамнинг боласи.
Йиғламагин! [5]

Агар шу овутмачоқ матнидан унинг сўнгги мисрасини ҳосил қилиб келаётган “Йиғламагин!” сатри олиб қўйилса, қолган уч мисраси эркаламага хослиги аёнлашади.

Бунчалар йиғламаса бу бола,
Ким урди?
Ким хафа қилди?
Йиғлама, кўзичоғим,
Бўйларингга бўйтумор [6].

Ёки яна:

Йиғлама, болажоним,
Бағрим яроси,
Кўзим қароси,
Айланай сендан [7].

Болани овутиш ҳар доим ҳам осон кечавермайди. Айниқса, у оғриган, бемор ва хаста бўлиб қолган лаҳзаларда бу иш қийинчилик туғдиради. Мана шундай лаҳзаларда сабр-косаси тўлган катталар билиб-билмай “Қачон тинар бу бола” деб қолишади. Шунинг учун овутмачоқларда бу гап ҳам ўз ифодасини топганлиги кузатилади:

Қачон тинар бу бола?
Топгани шу хархаша!
Ясаб берсам пашшахона,
Киролмасми хира пашша? [8]

Бола йиғиси ва хархашасига баъзан унинг нимадандир хафа бўлиб, ранжиб қолиши ҳам сабаб бўлади. шуни инобатга олиб, айрим овутмачоқларда бунга алоҳида урғу қаратилгани кузатилади:

Хафа бўлма, жон болам,
Хумор кўзли гул-лолам.

Боланинг хархашасига, инжиқлигига унинг оғригани сабаб ҳам бўлиши мумкин. Овутмачоқларда бунга ҳам ишора мавжуд. Бундай овутмачоқлар, одатда, оғриқни ифода этувчи “вой” модал сўзи билан бошланади:

Вой, вой, мани оғриғим,
Кўнгиллари ёруғим [9].

Катталар болани йиғидан чалғитиш, дарди бўлса, уни унутишига кўмаклашиш мақсадида хархаша қилиб йиғлаб турган болага турли ўйинчоқлар ясаб беришади ёинки ҳар хил қизиқарли ўйинлар уюштиришга ҳаракат қилишади. Шу ҳаётий воқеликлар овутмачоқларда қуйидагича ифода топганлиги кузатилади:

Йиғлама, қизим, йиғлама,
Новвотгинам, йиғлама.
Қўғирчоғинг бўйнига
Мунчоқ тақиб қўяман [10].

Хулоса. Овутмачоқлар болалар фольклорининг алоҳида, мустақил жанри сифатида тан олинган. Халқимиз орасида унинг ўзига хос локал вариантлари учрайди. Бу жанр бошқа халқлар фольклорида ҳам мавжудлиги кузатилади.

Ўзбек болалар овутмачоқларининг наманганча вариантлари шу жанрдаги умумўзбек намуналари контекстида олиб ўрганилар экан, муштарак хусусиятлари баробарида ўзига хос локал белгилари борлиги ҳам кўзга ташланади. Бу локаллик кўпроқ уларнинг тилида, бадиий ифода услубида, образлар оламида намоён экани англашилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Жаҳонгиров Ғ. Ўзбек болалар фольклори. – Т.: Ўқитувчи, 1975. – 102 б.; Сафаров О. Ўзбек болалар поэтик фольклори. – Т.: Ўқитувчи, 1985. – 250 б.; Қурбонова Н. Ўзбек болалар маросим фольклори: филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Тошкент, 1994; Галиев Ш. Ўзбек болалар ўйин фольклори. – Т.: Фан, 1998. – 96 б.; Авезов С. Санама жанри табиати ва бадиияти. – филол. фан. номз. дисс. автореф. – Т., 2004. – 24 б.; Сафарова Н.О. Ўзбек болалар ўйин фольклорининг жанрий табиати, генезиси ва бадиий хусусиятлари. – филол. фан. номз. дисс. автореф. – Т., 2004. – 23 б.

2. Айтувчи: Улуғбоева Ўлмасбу. 1941 йилда туғилган. Наманган вилояти, Чуст тумани, Олмос қишлоғи, Бозорбоши маҳалласи, Мустақиллик кўчаси, 171-уй.

3. Эгамова С. Наманган тумани, Миришкор қишлоғи, Турон-Юксалиш кўчаси, 4-а уй.

4. Айтувчи: Тошматова Наргиза. 1979 йилда туғилган. Наманган вилояти, Чуст тумани, Олмос шаҳарча, Маданият кўчаси, 9-уй.

5. Айтувчи: Эгамова Санобар. Наманган тумани, Миришкор қишлоғи, Турон-Юксалиш кўчаси, 4-а уй.

6. Айтувчи: Нажмиддинова Фотима. Наманган вилояти, Минг булоқ тумани, Кичик Жомашуй қишлоғи.

7. Айтувчи: Нажмиддинова Фотима. Наманган вилояти, Минг булоқ тумани, Кичик Жомашуй қишлоғи.

8. Айтувчи: Ёқуббоева Муниса. Наманган вилояти, Уйчи тумани, Гулзор МФЙ, Зафар Диёр кўчаси, 10-уй.

УДК: 82.091(575.1)-311.6

ЭПИК ҚАҲРАМОН ВА АДАБИЙ-БАДИЙ МУШТАРАКЛИК

ЭПИЧЕСКИЙ ГЕРОЙ И ЛИТЕРАТУРНО-ХУДОЖЕСТВЕННАЯ ОБЩНОСТЬ

EPIC HERO AND LITERARY-ARTISTIC COMMUNITY

Муродов Ғайрат Некович

БухДУ ўзбек адабиёти кафедраси доценти, филология фанлари доктори

Таянч сўзлар: тарихий роман, роман-дилогия, бадиий концепция, эпик қаҳрамон, адабий-бадиий муштараклик, эпопея.

Ключевые слова: исторический роман, роман-дилогия, художественная концепция, эпический герой, литературно-художественная общность, эпопея.

Key words: historical novel, novel-dilogy, artistic concept, epic hero, literary and artistic community, epic work.

Мақолада П. Қодировнинг “Хумоюн ва Акбар” тарихий романи адабий-бадиий муштараклик муаммоси асосида тадқиқ этилган ва илмий-назарий хулосалар чиқарилган.

В статье рассмотрены проблемы литературно-художественной общности в историческом романе П. Кадырова «Хумоюн и Акбар».